

## Миллий контент яратиш нега долзарблашди?

Давлат раҳбари тилга олган миллий контент тушунчаси ўзи нима? У қандай бўлиши керак? 3-с.

## Эҳтиёжмандлик ва боқимандалик чегараси қерда?

Яхши меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни чуқур ҳис этиш зарур. 4-с.



**Болалар меҳр-муҳаббатга қониб улғайса...**

Қанийди, ҳар бир ота-она фарзанди олдидаги бурч ва масъулиятини тўла ҳис қилса. Ахир ҳаёт фақат қорин тўқлаш ва устни бутлашдан иборат эмас-ку.

7-с.

# Маҳалла

№8 | 2024 йил 8 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

## Маҳалла пресс-клуби иш бошлади

Ҳар ким бу ерда ўз мулоҳазасини айтиши, нуқтаи назарини баён этиши, тажрибалар билан танишиши мумкин.



ЖАРАЁН

Медиа маконга яна бир телемахсулот кириб келмоқда – МАҲАЛЛА ПРЕСС-КЛУБИ. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси таъсисчилигида ташкил этилган мазкур лойиҳа мамлакатдаги мавжуд пресс-клубларнинг яна бири бўлиб, унинг мақсади – маҳаллалар ҳаётидаги ўткир масалаларни халқчил тарзда ёритиб бориш, мамлакатдаги ислохотларни оддий, содда тилда аҳолига етказишдан иборат.

Маълумки, Президент фармон ва қарори асосида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилди. Уюшманинг асосий вазифалари, ишлаш тартиби, маҳалланинг аҳоли муаммоларни ҳал этишда биринчи бўлинга айланиши борасидаги ташаббуслар белгилаб берилди. Маҳалла пресс-клубининг биринчи сессияси айти шу мавзуга бағишланди.

Давоми 2-саҳифада.

## “Еттилик” вакиллари йиғилишида эмас, маҳаллада бўлмоғи лозим!

ФИКР

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ, Самарқанд шаҳридаги “Богимайдон” маҳалласи раиси.

“Маҳалла еттилиги” тизимини ташкил этишдан мақсад – аҳолининг асосий муаммолари маҳалланинг ўзида ҳал бўлишига эришишдан иборат. Одамлар оворою сарсон бўлиб идорама-идора юрмасдан, маҳалла раисига ёки тегишлича маҳалланинг бошқа ходимига мурожаат қилади. Улар тегишли давлат органига муаммони етказиши. Давлат органи вакили муаммони ҳал этади, зарур бўлса, маҳаллага келади.

Аслида шундай бўлиши керак. Амалда-чи? Ҳалигача бошқарув идоралари тизими ушбу янгича ишлаш тизимини қабул қила олмаяпти. Бу йўналишдаги қонун ҳамда қарорлар тўлалигича ижро этилмоқда, деб бўлмайди.

Давоми 2-саҳифада.

# Улуғ мақсад йўлидаги сафарбарлик

Бугунги раис ишбилармон бўлмаса, ходимлар бошқа худуддан тайинланса, маҳалла иши қийинлашади, боқимандалик кайфияти ошади



Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги “Жангоҳ” маҳалла фуқаролар йиғини биноси.

НУҚТАИ НАЗАР



Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Ойдин” маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари.

**Кредит, субсидия ажратиш билан боғлиқ масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этилар экан, раиснинг молия соҳасидан хабардор бўлиши, иқтисодчи каби фикрлаши муҳим аҳамиятга эга.**

Санжар ИСМАТОВ, “Mahalla” муҳбири.

Президент қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси”га асосан, тизимдаги кўпгина ечимини кутаётган масалалар ҳал этилади. Тузилма фаолияти такомиллаштирилиб, “маҳалла еттилиги”га қатор қулайликлар яратилади.

“Йўл харитаси”га кўра, маҳалла раислигига номзодларни, асосан, тadbirkorлик соҳасида катта ютуқларга эришган ва ташкилотчилик қобилиятлари юқори бўлган фуқаролар орасидан танлаш амалиёти жорий этилади.

Аваллари маҳалла раиси ёки йиғиндаги бошқа ходим, асосан, пенсия ёшидаги кишилар бўларди. Негаки, бу лавозим эгаси арзимаган маош эвазига фаолият юрттарди. Бугун вазият ўзгарди, маҳалла жамиятининг “қон томири”га айланди. Маҳалла раиси худуднинг том маънода бошқарувчиси саналади. Бугун халқимиз маҳалла раиси ёки ходими қандай бўлиши кераклигини яхши билади. Яъни сиёсатни тушунайдиган, ўз худудида обрўйи йўқ, ишни тўғри ташкиллаштира билмайдиган, энг асосийси, одамларни бирлаштира олмайдиган раислар ўз ўрнини бошқа номзодга бўшатишга мажбур.

Давоми 2-саҳифада.



10-синф ўқувчиси 4 кунда 8 млн. сўм ишлаб топмоқда. Албатта, ўғрилик ёки чайқовчилик эвазига эмас, ўз хунари ортидан. Бу қандай хунар экан дейсизми?!

**Ўқувчиларга 50 та касб ўргатилади**

5-с.



2023 йилда ажралишлар ҳисобига 37 132 нафар бола ота ёки онасиз қолган. Бу кичик рақамлар эмас, албатта. Юрт келажагини белгиловчи шунча ёш авлодининг тақдири нима бўлади?

**Оилавий ажралишлар сони нега ортяпти?**

8-с.





Беларусь Республикаси  
Президенти  
АЛЕКСАНДР ЛУКАШЕНКО  
7-9 февраль кунлари  
расмий ташриф билан  
Ўзбекистонда бўлади.



Бош вазир Абдулла Арипов  
ҚОЗОҒИСТОННИНГ  
ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН  
Бош вазир Олжас  
Бектенов билан телефон  
орқали мулоқот ўтказди.



Термиз шаҳрида  
ЙИРИК ҲАЖМЛИ  
ВА ОФИР ВАЗНЛИ  
транспорт воситаларининг  
ҳаракати чекланди.



Қашқадарё вилояти Касби туманидаги "Қамаши" маҳалла фуқаролар йиғини биноси.

# Улуғ мақсад йўлидаги сафарбарлик

Бутунги раис ишбилармон бўлмаса, ходимлар бошқа ҳудуддан тайинланса, маҳалла иши қийинлашади, боқимандалик кайфияти ошади

**Б**ирок замон шиддати бир жойда тўхтаб турмайди, ҳозирги давр янги-янги талабларни олдимишга қўймоқда. Бу жараёнда фақатгина ташкилотчи, ташаббускор бўлиш билан иш битмайди. "Маҳалла еттилиги" ташкил этилиб, фуқаролар йиғинининг молиявий имкониятлари оширилаётган, аҳолига 70 дан ортиқ ижтимоий ёрдамлар (моддий ёрдам, субсидия учун тавсиянома, кафилик ва бошқалар) маҳалланинг ўзида кўрсатилиши йўлга қўйилаётган экан, эндиликда маҳалла раиси ишбилармон, ҳар ишининг кўзини билладиган мутахассис бўлиши керак.



"Маҳалла еттилиги" вакиллари тайинлашда шу ерлик номзодларга устуворлик берилди.

Сир эмас, тadbirkor киши "пулни-пулни уриб", ўз ишини янада ривожлантиришга, янги-янги ёлларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилади. Шу маънода маҳалла раислигига номзодлар тажрибали тadbirkorлар, ташкилотчилик қобилиятига эга инсонлар орасидан танланиши маҳалланинг молиявий имкониятларини янада кенгайтириб, қўшимча даромад манбаларини яратишга хизмат қилади. Қолаверса, кредит, субсидия ажратиш билан боғлиқ масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этилар экан, раиснинг молия соҳасидан хабардор бўлиши, иқтисодчи каби фикрлаши муҳим аҳамиятга эга.

дан иборат эмас, 2024 йил 1 январдан "еттилик" тизими жорий этилди. Яъни эндиликда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, солиқ ва профилактика инспекторлари маҳалла раислари билан ҳамжиҳатликда ишлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маҳалла ходимларини тайинлашда мазкур ҳудудда яшовчи номзодларга устуворлик бериш зарурати бор. Нега?

Энг аввало, ходим бошқа ҳудуддан бўлса, маҳаллани ўрганиш, кимнинг қандайлигини билиш учун анчагина вақт кетади. Айниқса, аҳолига кредит ва субсидия ажратишга масъул бўлган ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ҳақиқатда кўмакка муҳтожларни аниқлашга қанча кўп вақт сарфласа, ижтимоий ёрдамлар одамларга шунча кеч етиб боради. Мисол учун, улар ўзи танимаган, билмаган, ижтимоий аҳолидан беҳабар инсонларга кредит

ажратса, эртага муаммоли кредитлар сони ортади, маҳаллада боқимандалик, давлат ёрдамига кўз тикиш ҳолатлари кўпаяди.

Қолаверса, ходимнинг бошқа ҳудуддан қатнаб ишлаши ортиқча вақт ва харажатга сабаб бўлади. Тўғри, бу ҳолат шаҳар маҳаллаларида сезилмаслиги мумкин, бироқ қишлоқ ҳудудларида, айниқса, тоғли маҳаллаларда қиш-қировли кунларда иш жойига вақтида етиб бориш ҳамда кечқурун ишдан қайтишда қийинчиликлар туғдиради. Буни аллақачон аксарият ходимлар ўз танасида ҳис қиляпти. Шу маънода "маҳалла еттилиги" вакиллари шу ҳудудда яшовчи одамлар орасидан тайинланса, уларни танлашда маҳалладан бўлган номзодларга устуворлик берилса, ижтимоий ёрдамлар ҳақиқатда муҳтожларга ўз вақтида етиб боради, ходимлар йўлга, келиб-кетишга ортиқча вақт сарфламайди.

**Сиз нима дейсиз, азиз маҳалладош?**

Бир сўз билан айтганда, "йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирлар барча масалаларни маҳалланинг ўзида ҳал этишга имконият яратди. Маблағ, шароит ва ишбилармонлик муҳити маҳалладаги вазиятга қараб белгиланади. "Маҳалла еттилиги"га қўйилаётган талаб битта — фидойилик, жонқурлик билан белгиланган вазифалари ўз вақтида удалаш.



— Маҳалла пресс-клубининг ташкил этилишидан манунимиз, — дейди Учтепа туманидаги "Қўқча-Оқтепа" маҳалласи раиси Собитжон Имомов. — Ўйлайманки, бу ташаббус маҳалладаги муаммолар юзасидан фикр майдонига, муҳокамалар марказига айланади. Ҳар ким бу ерда ўз мулоҳазасини айтиши, нуқтаи назарини баён этиши, тажрибалар билан танишиши мумкин. Биринчи сессияда Президент фармон ва қарорининг моҳияти яна бир қарра батафсил очиб берилди. Пресс-клуб сессиялари тез-тез ташкил этиб турилади, деган умиддамиз.



Тadbirkor ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйилгани маҳаллалардаги янги ўзгаришлар учун имконият бериши, муаммоларга ечим бера оладиган, халқ суянса бўладиган тизим бўлиб хизмат қилиши, маҳалла институтини жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириши таъкидланди.

Маҳалла пресс-клубининг навбатдаги сессияларида таҳлилий, долзарб, танқидий мавзуларни кўтариш, аҳоли, айниқса, ёшлар учун янги иш ўринлари, доимий даромад манбаларини яратиш, барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилиши қайд этилди.

ФИКР

## “Еттилик” вакиллари йиғилишида эмас, маҳаллада бўлмоғи лозим!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ижтимоий тармоқларда, маҳаллалар телеграм каналларида маҳалла раислари кўтарётган муаммолари эътиборсиз қолиб кетаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Давлат идораларининг масъулиятсизлиги маҳалла раислари ва ходимларининг ишчанлик обрўсига путур етказиши билан бирга, фуқароларнинг норозилигига, ишончсизлигига сабаб бўлмоқда.

ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва солиқ инспекторини турли йиғилишу тadbirkorларга жалб қилиш давом этмоқда.

Маҳаллада алоҳида солиқ инспектори штати жорий этилган ва уларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Уч-тўртта маҳаллага бир нафар бўлса ҳам бор! Улар шаҳар ёки туман идорасида эмас, навбати билан, график асосида маҳаллаларда бўлмоғи ва у ердаги ўзига тегишли ишларни бажариши лозим. Мана, жорий йилнинг 5 февралда Самарқанд шаҳар солиқ инспекциясида йиғилиш ўтказилган ва маҳаллаларга бириктирилган инспекторлар деярли икки соат давомида унда ўтирган. Агар инспекция раҳбарининг аниқ

топшириғи бўлса, онлайн тарзда иш инспекторни хабардор қилиши мумкин-ку!

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 21 декабрдаги "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролинини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашнинг таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида маҳалла раиси вазифалари қаторида қуйидаги вазифа ҳам мавжуд: "Фуқаролар йиғини Кенгашида маҳаллага бириктирилган давлат органлари вакиллари билан маҳаллада амалга оширилган ишлари юзасидан ахборотини эшитиш". Аниқ белгилаб қўйилгани бўйича ҳар ойда камида 5 та давлат таш-

Халигача бошқарув идоралари тизими ушбу янги ҳалат тизимини қабул қила олмапти. Бу йўналишдаги қонун ҳамда қарорлар тўлалигича ижро этилмоқда, деб бўлмайд.

килоти раҳбарининг ахборотини эшитиш лозим.

Демак, давлат идоралари раҳбарлари маҳалла ходимларини ҳудуд-беҳудга ўз ҳузурига чақирмасдан, пастга тушиб, муаммоси бўлса, ўзи маҳаллага борсин. Энг муҳими, маҳалла раиси бирор-бир муаммони кўтарса, қонун доирасида ҳал этилишига эришин!



Самарқанд шаҳридаги "Боғимайдон" маҳалласи раиси Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ маҳалла тизимида кузатилаётган айрим муаммолар ҳақида ўз фикрларини ёзиб юборди.





Президент қарори билан «ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИХАЛАР МАРКАЗИ» лойиҳа офиси ташкил этилди.



Президент қарорига кўра, бакалаврият бўйича 3 йиллик ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ асосида кадрлар тайёрланади.



“МАКТАБ – ОТА-ОНА – МАҲАЛЛА” занжири асосида электрон мулоқот платформаси ишга туширилади.

Минбар

# Миллий контент яратиш нега долзарблашди?

Бугунги глобллашув жараёни табиийки, илмий-техникавий ютуқлар билан бирга айрим салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Жумладан, жараёнда миллий кадрият, маънавият, урф-одат, анъана ва тарихимиз, ўзгиримиз кучли синондан ўтмоқда. Айниқса, ахборот хуружлари энг катта таҳдидлардан бирига айланган. Шу маънода ахборот хавфсизлигини таъминлаш миллий хавфсизлик соҳасидаги муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Айни мана шундай қалтис вазиятда унга қарши курашишда миллий контент яратиш, уни тўғри шакллантира олиш муҳим. Шу боис, Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 12 январь куни Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ахборот хавфсизлиги масалаларига тўхталиб, Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишдаги ташаббусни сақлаб қолиши кераклиги ҳақида гапирди. Хўш, давлат раҳбари тилга олган миллий контент тушунчаси ўзи нима? У қандай бўлиши керак?



Бир талаби аҳоли нимани сўраса, нимани талаб қилса, ўшани бериш эмас. Балки аҳоли онги, дунёқарашини кенгайтирадиган, уларга наф келтирадиган мақолалар тайёрлаш ва ҳақчил тарзда етказиш масъулиятини бўйнига олишидир. Фақат ўйин-қулғу, кўнгилочор ёки негатив ахборотлар, албатта, одамларни психологик жиҳатдан кўпроқ қизиқтиради. Аммо шу билан бирга ҳақиқий объектив ёритилган мавзуларни кўтариш орқали миллий контент сифатини ошириш лозим. Мен бу ўринда фақат мактов, баландпарвоз чақириқлар билан йўғрилган мақолалар, курсатувлар тайёрлашни назарда тутмаяман. Бунга мутлақо қаршиман. Аксинча, энди сифатли контент таркибидан таҳлил асосий ўрин эгаллашини истардим.

Бу ўринда миллий контент деганда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини кўзлаган тарзда дунё ва мамлакат ичидаги воқеа-ҳодисаларга ҳолис баҳо бера оладиган ахборот майдони назарда тутиляпти. Демак, миллий контент, бу — Ўзбекистон ичидаги сифатли медиамакон, дейиш мумкин. Унга эҳтиёж ҳар доим бўлган.

Агар биз миллий контент яратмасак, одамларимиз четдан ахборот олишга мажбур бўлади. Ваҳоланки, ташқаридан туриб ёритилган ахборот ҳар доим тўғри бўлавермайди. Шунинг учун ҳозир миллий контент яратиш янада долзарблашди. Чунки биз эркин ахборотлашган жамият куряёмиз. Олдинги даврлардагидек, мана бу оқ, мана бу қора, дейдиган даврдан ўтиб бўлди.

Энди ҳар бир ўқувчи ахборотни ўзи танлайди. Нима қизиқ бўлса, нимага ишонса, ўшани ўқийди. Демак, журналистларимиз яна олдингидек, текширилмаган ахборот ёки қизиқ бўлмаган мавзуларда мақола ёзишни давом эттиришса, албатта, бунга ўқувчи ўқимайди. Улар нимани хоҳлаётганини билиш керак, бироқ бериш шарт, деганимас. Чунки журналистиканинг яна



олмаслигимиз мумкин.

Яқинда Парижда ташкилланган медиасаводхонлик мавзусидаги халқаро анжуманда шу мавзу кўтарилди. Дунёнинг 35 мамлакатидан 400 нафар мутахассис иштирок этган халқаро конференцияда феёк хабарлардан химояланиш, таҳририятда фактчекингни йўлга қўйиш таклифи илгари сурилди. Бу тажрибани бизда ҳам жорий этиш фурсати келди.

Коллаверса, миллий контент яратиш ғоясини айрим журналист ва блогерлар нотўғри тушуниб,

назорат, деб талқин қилишяпти. Бу — хато хулоса. Миллий контент асло эркин матбуотни назорати эмас. Агар шундай қабул қилишаётган бўлса, муаммо сифатида қарашмасин. Чунки матбуот ҳар доим ўз эркинлиги учун курашиб келган. Бунинг пайдорови сифатли контент яратиш. Шундай экан аввало, шу ҳақида бош қотирсак тўғри бўлади.

**Беруний АЛИМОВ,**  
“Янги медиа таълим маркази” ННТ директори, филология фанлари доктори.

ҲАМКОРЛИК

## 100 нафар ҳоким ёрдамчиси Туркияга боради



Туркиянинг Истанбул шаҳрида Туркийзабон дунёсининг муниципалитетлар иттифоқи (ТДББ) Бошқарув кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Мухтор Шоназаров ҳам иштирок этди.

**100 нафар ҳоким ёрдамчилари Туркияда ўқув-амалий семинарда иштирок этиб, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги туркиялик консултант-экспертлар тажриба алмашиш учун Ўзбекистонга келади.**

Кенгаш йиғилиши доирасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, шунингдек, муниципалитетларнинг таркибига кирувчи туманлар, маҳаллаларни иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказилиб, ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Туркийзабон дунёсининг муниципалитетлар иттифоқи Бошқарув кенгаши ҳамда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Жорий йилда 100 нафар ҳоким ёрдамчиси Туркияда ўқув-амалий семинарда иштирок этиши, шунингдек, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги туркиялик консултант-экспертларни тажриба алмашиш учун Ўзбекистонга жалб этиш бўйича келишувга эришилди.

# Хорижга сафар янги ғояларга асос бўлди



ТАЖРИБА

ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори доирасида 300 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш бўйича «NAM TEX» масъулияти чекланган жамияти ип-калада ишлаб чиқариш ҳамда 50 нафар янги иш ўрни яратишга мўлжалланган «MUSLIMA TEKSTIL SERVIS» МЧЖ болалар учун костюм-шим ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширмоқда.

“Наманган тажрибаси” асосида “Яккасада” маҳалласидаги 10 нафар нурунийлар билан 100 та эҳтиёжманд хонадон танлаб олиниб, шароитини яхшилаш бўйича манзилли иш олиб борилмоқда. Наманган хонадонларни эҳтиёжманд оилаларга бирикитриш натижасида 5 та хонадон х о м и л и к а с о с и д а таъмирланди. 20 та хонадонга турли асбоб-ускуналар, 100 та хонадонга озиқ-овқат маҳсулоти етказиб берилди. 5 та эҳтиёжманд оилга субсидия асосида иссиқхона қурилган бўлса, 33 нафар хотин-қизларга тивук машинаси ажратилди.

Худудда 36 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 61 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, 14 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти қайта тикланди. Натижада 22 та янги иш ўрни пайдо бўлди.

“Драйвер”имиз — хунармандчилик бўлгани учун дурадгорчилик йўналишида 89 та хунармандлар давлат рўйхатидан ўтказилиб, 155 нафар фуқаро устоз-шоғирд сифатида бирикитрилди. Норасий

фаолият олиб бораётган 14 та тадбиркор ва 45 та хунарманд фаолияти қонунийлаштирилди.

Эҳтиёжманд ва камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган хатловда рўйхатга олинган Абдуқаҳор Қозоков ҳамда Зоҳиджон Пўлатов оиласига зарур кўмак кўрсатилди.

2022 йилнинг 24-30 июль кунлари Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги делегацияси аъзолари сафида Япония давлатида оилавий хунармандчилик ва тадбиркорликни ташкил этиш борасида тажриба олиниб кайтидим. Хизмат сафари доирасида Токио ва Хоккайдо шаҳарларида бўлди.

Бундан ташқари, 2022-2023 йилда Наманган вилояти делегацияси сафида Жанубий Кореяга бориб, малака оширдим. Унда камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантиришда хориж тажрибаси ўрганилди.

Табиийки, бу сафарлар янги ғояларга асос бўлди. Жанубий Кореянинг “Кирол Сежон Наманган” корхонаси филиали билан ҳамкорликда ташкил этилган корейс тили ўқув маркази айти шу фикрим исботидир. Ҳозирда битирувчи синф ўқувчилари марказда дуал таълим асосида қўшимча тил ўрганмоқда.

“Гулбоғ” ва “Яккасада” маҳалласи худудида Тошкент Кимё-технологиялари институти филиали ташкил этилди. Ҳозирда бу ерда 5 000 нафардан ортиқ талаба илм олмақда. Худудда 17-мактабга таълим муассасаси ҳамда 26-умумтаълим мактаби жойлашгани ягона “Таълим кластери” ташкил этишга сабаб бўлди. Эндиликда 3 ёшдан то олий таълим муассасасини тамомлагунча жараён маҳалланинг ўзида амалга ошади.

**Мубашер АДҲАМОВ,**  
Наманган шаҳридаги “Яккасада” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

# Кредитлар кимларга ва нима мақсадга ажратилмайди?

БИЛАДСИМИ?

**Куйидаги ҳолларда қарз олувчининг аризаси тизим томонидан скоринг маълумотлари асосида автоматик рад этилади:**

қарз олувчининг Ягона электрон платформада кўриб чиқиш жараёнида аризаси мавжуд бўлганда;

18 ёшга тўлмаган фуқаро номидан ариза берилганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга;

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган ёхуд меҳнатга лаёқатсиз фуқаро номидан ариза берилганда;

қарз олувчининг дастур доирасида тўлиқ қайтарилмаган кредити мавжуд бўлганда (Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратилмаган кредитлар бундан мустасно);

қарз олувчининг банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлганда;

аввал ажратилган кредитлардан мақсадсиз фойдаланилганда;



**Куйидаги мақсадлар учун кредит ажратилмайди:**

илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачиликни амалга ошириш;

умумий овқатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шакллантириш;

ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни (мебель, уяли телефон, маший техника ва бошқалар) сотиб олиш;

енгил автотранспорт воситалари (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда иштирок этувчи кичик мототранспорт воситалари бундан мустасно), жумладан, йўловчи ташувчи автомобиллар сотиб олиш;

мамурий харажатларни тўлаш, жумладан, хизмат автомобиллари таъминоти; бино ва иншоотлар сотиб олиш ва қуриш (Хунармандчиликни ривожлантириш дастури, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш дастури бўйича дала дўкони, уруғлик, минерал ўғит ва кўчат дўконлари ташкил қилиш бўйича қўзланган мақсадлар ҳамда енгил конструкцияли бино ва иншоотлар қуриш бундан мустасно) учун ажратилмайди.





Президент қарорига асосан, мактабларда юқори синф ўқувчиларига ИККИНЧИ ХОРИЖИЙ ТИЛ ўргатилади.




Президент имзолаган қонунга кўра, янги бино қуришдан АВВАЛ ТУПРОҚНИНГ УНУМДОР ҚАТЛАМИ сидириб олиниши керак.



2024 йилда 100 МИНГ НАФАР ўзбекистонлик ишчи Кореяга бориш имкониятига эга бўлишади.

МИНБАР

# Эҳтиёжмандлик ва боқимандалик чегараси қаерда?



Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ, "Mahalla" мухбири.

Биламизки, яхши яшаш учун, энг аввало, яхши меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни чуқур ҳис этиш зарур. Бунга эришиш фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ. Аммо мана шу оддий ҳақиқатни барча англаб етган, дея олмаймиз.

Юрт манфаати, оила фаровонлиги йўлида машаққатларни энгиб ўтганлар билан бирга боқимандалик кайфиятидаги инсонлар йўқ эмас. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўрсатилган ёрдам давлат фуқароларига бефарқ эмаслигини, уларнинг ташвиши давлатнинг ташвиши эканлигининг аққол исботидир.

Ҳақиқий эҳтиёжмандларга елка тутиш орқали ўз йўлини топишга кўмаклашиляпти. Лекин баъзида шундай фуқаролар ҳам учраб туради кийими бут, соғлиги жойида, оилали, лекин муайян жойда ишламаганлиги ва уй-жой шароитлари яхши эмаслиги, шунингдек, оиланинг ҳақиқий ойлик даромадини яширганлиги сабабли кам таъминланган оилалар рўйхатида киритилган. Тўғрироғи, кириб олган. Шундай инсонларни кўрганда нима учун шароитини яхшилашга интиляпти, деган ўй ўтади.

Арасой туманидаги "Зарафшон" маҳалласи раиси Ойдинахон Хидирова билан суҳбатимиз давомида бир қанча бу каби мисолларга гувоҳ бўлдик. Раиснинг таъкидлашича, айрим инсонлар боқиман-

далик кайфиятига берилиб кетган. Фақат ёрдам сўрайди. Ишлашни хоҳламайди. Масалан, бир фуқарога 2023 йилда "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан 2 миллион сўм, ҳокимиятдан 1,5 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилган. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказилган. Касалхонада бепул даволаниши таъминланган. 3-хонали яшаш хонадонига замонавий эшик-дереаза ўрнатилган. Яна бир эҳтиёжмандга 2023 йил қурилиш материаллари олиб берилган. "Саховат ва кўмак" жамғармасидан 2 800

000 сўм, кейинроқ яна 2 миллион сўм моддий ёрдам ажратилган. Доимий тарзда озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилган. Ҳеч қаерда ишламайди. Бошқа мурожаатчиға ҳокимият қарори билан 2021 йилда 2-хонали уй берилган. Уша йилнинг ўзида сотиб, кўчиб кетган. 2022 йилда қайтиб келиб, ижарада яшай бошлаган. Ҳокимлик таклифи билан унга яна 1 744 минг сўм ижара пули тўланди. Бундан ташқари, 2 миллион сўм моддий ёрдам, "Зомин" санаториясида даволаниши учун бепул йўланма ажратилган.

Фурқат туманидаги "Кўк дўппи" маҳалласида яшовчи фуқаро ҳам маҳалладан доимий ёрдам олади. Унга 2022 йил "Саховат ва кўмак" жамғармасидан озиқ-овқат маҳсулоти берилган. Шу йилнинг ўзида ўн бош товуқ тарқатилган. 2023 йилда хомийлик маблағи ҳисобидан кўмак кўрсатилиб, "Ёшлар дафтари"га киритилган. Турмуш ўртоғига субсидия асосида тикув машинаси топширилди.

Маҳалла раисларининг гапларини тинглаяпман, миямда қатор саволлар ғужон айланяпти. Булар ҳақиқатдан ишга лаёқатсизмикан? Таҳлилларда аён бўлдики, бундай эмас экан. Ҳаммасининг илдиизи ишқамаслик ва боқимандаликка бориб тақаларкан. Афсуски, бу каби мисолларни республикамизнинг барча ҳудудларидан топиш мумкин. Нима сўраса, барчаси муҳайё. Худди эртақлардаги "Тилла балиқ"ни ушлаб олган, қўйворгиси келмайди. Мавжуд шарт-шароитга яраша меҳнат қилишни хоҳламайди. Кам

таъминланган, боқувчисини йўқотган ёки ноғирон кишиларга давлат ва нодавлат ташкилотлари, хомийлар хайр-саховат кўрсатса, бу тоифадаги кимсалар ҳам ўзларига ёрдам берилишини истаб қолади. Мурожаатига ижобий жавоб қайтарилмаса, маҳалла раиси, сектор раҳбари, туман ҳокими устидан шикоят қилади. Керак бўлса, шаҳар, вилоят ҳокимлиги биносига ётиб олади, Вазирлар Маҳкамаси, Президент халқ қабул-хонасига чора боришдан эринмайди. Масъуллар мурожаатни тезроқ ёпиш учун сўраганини муҳайё қилишга мажбур. Уларни боқимандаликка ўзимиз ўргатиб қўймаймизми?

Бу каби камчиликлар йиғинларнинг фаолият самардорлигига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, айрим ўринларда ҳақиқий эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларнинг эътибордан четда қолишига, давлат ёрдамидан фойдалана олмаглигига олиб келмоқда. Шу боис ўтган йилнинг 26 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳоли ҳаётини яхшилашда маҳалла оддий иштирокчи ёки ижрочи эмас, балки у қарор қабул қиладиган марказга айланишига қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Эндиликда маҳалла бошқаруви янги ёндашувлар асосида ташкил қилиниб, эҳтиёжманд аҳолини рўйхатга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби 70 дан ортқ масалалар, туман ва вилоят идораларига чиқмасдан, маҳалланинг ўзида жамоавий ҳал қилиниши муаммога ечим бўлиши, шубҳасиз.

БИЛАСИЗМИ?

## Ёрдам турлари 30 тага етди



66 Ёшлар дафтари" орқали кўрсатиладиган ёрдам турлари сони 30 тага етди, мурожаатларни кўриб чиқиш муддати эса 30 кундан 5 кунгача қисқарди.

2023 йил якунига қадар ёшлар етакчилари тавсиси билан "Ёшлар дафтари"га киритилган 338 минг нафар ёшга 444 млрд. сўмлик ёрдам кўрсатилди. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож 49 453 нафар талабага таълимни давлат эътириши учун 132 млрд. сўм контракт пуллари тўлаб берилди. Ишиси бўлган 18 544 нафар ёшга 59,8 млрд. сўмлик асос-ускуна ва меҳнат қуроллари ажратилиб, маҳалланинг ўзида бандлиги таъминланди.

Банд бўлмаган 17 321 нафар ёш илм-фан, замонавий касблар ва ҳайдовчиликка ўқитилиб, 26 млрд. сўм ўқув курс харажатлари тўлаб берилди. Ушунинг ёшларнинг 7 605 нафари сафарбарлик чакируви резервиге жалб қилиниб, 39,4 млрд. сўм ҳарбий хизмат бадали, ноғирон ва бемор 31 459 нафар ёшларга тиббий хизмат кўрсатилиб, 38,1 млрд. сўм даволаниш харажатлари тўланди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг 213 651 нафари деҳқончилик, тадбиркорлик, фуқаролик паспортини расмийлаштириш, мусобақаларда иштирок этиш, нотурар жой ва лойиҳаларни амалга ошириш харажатлари қопланиб, 135,7 млрд. сўм йўналтирилди. Шунингдек, "Ёшлар дафтари" туман (шаҳар) жамғармаларида жами 537 млрд. сўм ҳамда вилоят жамғармаларида 137,3 млрд. сўм маблағ шакллантирилди.

# "Вазифамизни бажариш учун ваколатимиз бўлиши керак"

ТАКЛИФ




Жаҳонгир ГАДОНИЙЕВОВ, Хатирчи туманидаги "Жалойир" маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳаллада 2022 йил январь ойидан бошлаб ишлаб келаяпман. Фаолиятимнинг дастлабки кунлариданоқ хатлов асосида уйма-уй юрган ҳолда 14-30 ёшдагиларнинг яшаш шароити, соғлиги ва бандлигини ўрганиб, "Ёшлар баланси"ни шакллантириб олдим. Бугунги кунда маҳалламизда 648 та хонадон мавжуд бўлиб, 3 163 нафар аҳоли яшайди. 14-30 ёшдагилар эса 834 нафарни ташкил этади.

Туманда "спортчилар маҳалласи", деган ном қозонганмиз. Сабаби 30 нафар Ўзбекистон чемпиони, 3 нафар Осиё ўйинлари ғолиби бор. Ситора Сафарова шахмат бўйича 16 ёшгача ўсмирлар ўртасида Олимпиада совриндори, Зилола Ақтамова осиё чемпиони, Дилнора Раҳмова осиё чемпионатида 3-ўринни эгаллаган. Биз бу билан чеklangмоқчи эмасмиз.

Маҳалламиз ёшлари орасидан Жаҳон ҳамда Олимпиада чемпионлари чиқишига ишонаман. Шунингдек, ёшларимиздан Сабрина Мадатова 2023 йилнинг 6 – 11 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган қизлар жамоалари ўртасида гандбол бўйича якунига етган "Трофи" кубогининг Осиё босқичи баҳсларида мамлакат терма жамоаси сафида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Бу натижаларда балки, мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлганлигим асқотгандир. Ёшларнинг спорт билан шуғулланишларига бефарқ эмасман. Бунинг учун барча шароит мавжуд. 8 та спорт майдони бор. Худудда 1 та спорт ҳамда 1 та 5-умумтаълим мактаби бўлиб, ҳар икки муассаса директорлари келишуви асосида ҳафтанинг тоқ кунлари ўғил болалар мини футбол ва варкоут, жуфт кунлари хотин-қизлар волейбол ҳамда стритбол билан шуғулланишади. 2022 йилда "Беш ташаббус



олимпиадаси"нинг 1-мавсумида спортнинг волейбол бўйича республикада 2-ўринни, стритбол ҳамда мини-футбол бўйича "ДХХ раиси кубоги"да 4-ўринни эгаллаб, спорт майдончалари қуриш бўйича сертификат ютиб олдик. 2-мавсумида республикада спортнинг стритбол бўйича икки йўналишда ғолиблар сафидан жой эгаллаб, яна 2 та универсал спорт майдони қуриш бўйича сертификатга эга чиқдик. "Беш ташаббус олимпиадаси"

нинг 2023 йилги баҳсларида муносиб иштирок этиб, 27-30 ёшдаги қизларимиз 1-мавсумда спортнинг энгил атлетика тури бўйича республика босқичида 1-ўринни эгаллади. Мини футбол бўйича ўтказилган "ДХХ раиси кубоги"да ёшларимиз кучли 8 таликка кирди. Мусобақанинг 2-мавсумида волейбол ҳамда кураш спорт туридан вилоятда 1-ўринни эгалладик. Бундан ташқари, миллий ва замонавий чолғу йўналишида Жумабой

Шойимов республика босқичида иштирок этди. Албатта, аниқ чора-тадбирларга асосан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини беради. Бу ҳаётий ҳақиқат. 2022 йилда маҳаллада ҳуқуқбузарлик содир этганлар сони 5 нафарни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 2 тага қисқарди. Ҳозирги вақтда бирорта жиноят содир этилгани йўқ. Бугун маҳалла жиноятчиликдан холи худудга айланди.

Бандлик, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим ҳисобланган тадбиркорлик тобора ривожланиб, у билан шуғулланувчилар сони йил сайин ошмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда маҳаллада ёшлар бандлигини таъминлаш, лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. 2023 йилда 2 нафар ёшга тавсия асосида кредит олишига ёрдамлашдик. Улар ўз бизнесини йўлга қўйган ҳолда 2 та янги иш ўрни яратган бўлса, 7 нафарга яқин ёшнинг бандлиги таъминланиб, доимий иш ўрнига эга бўлди.

Муаммо – иш жараёнида гоҳида ишсиз ёшлар бандлигини таъминлашга қийналамиз. "Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига зиммасизга «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш вазифаси юкланган. Аммо бу жараёни амалга оширишда ҳеч қандай ваколат берилмаган. Тажрибадама қанча ёшларни ишга жойлашда шу муаммога дуч келдик.

Таклифим – вазифалар билан бирга ёшлар етакчисига ваколат ҳам яратилиши керак. Бундан ташқари, "Етакчи тавсияномаси" жорий қилиниб, шу тавсиянома ишга, ўқишга киришда устунлик берилиши таъминлаш лозим.





Чекка хуудларда мактабгача таълимнинг ЯНГИ МУҚОБИЛ ШАКЛЛАРИ амалиётга татбиқ этилди.



Президент фармонида кўра, халқ депутатлари Кенгашларининг НАЗОРАТ ФУНКЦИЯЛАРИ кенгайтирилди.



“Қамчиқ” довоининг 100 километр қисмида ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ жорий этилади.

МОҲИЯТ

# Ўқувчиларга 50 та касб ўргатилади

ҳеч бўлмаганда битта касбни эгаллаб катта ҳаётга қадам қўяди

Рустам ЮСУПОВ.

Пойтахтда 10-синф ўқувчиси 4 кунда 8 миллион сўм ишлаб топмоқда. Албатта, ўғрилиқ ёки чайқовчилик эвазига эмас, ўз хунари ортидан. Бу қандай хунар экан дейсизми?! Оддий, электик!

Гап шундаки, бу йигит дарсдан бўш вақтлари аҳоли талабларидан келиб чиқиб, электр энергия хизматларини кўрсатади. Кўпроқ янги қурилган хонадон эгаларидан буюртма олиб, электр энергия симларини, фойдаланиш нуқталарини махсус лойиҳа асосида ўрнатиб чиқади. Албатта, у бу хунарни кеча ёки бугун ўргангани йўқ, “устоз-шогирд” аъянаси асосида яхши электр шогирд тушиб, йиллар давомида ўзлаштирган.

Куни кеча Президент таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтказган селектор йиғилишида айтиш мумкин, бу масалага тўхталиб, мактаб ўқувчиларини касб-хунарга ўқитиш бўйича бир қатор янгиликларни илгари сурди.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, эндиликда мактабларда ўргатиш мумкин бўлган 50 та касб-хунар рўйхати тузилиб, ҳар бири бўйича ўқув ва амалиёт дастурлари ишлаб чиқилади. Бунинг учун мактабларда устахоналар ва “Касбий таълим устаси” лавозими жорий этилади. Тадбиркорлар, уста ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқувчиларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, касбий таълимга йўналтирилган машғулотлар ўтказилади, касб тўғрисида ташкил этилади. Мактабдаги бўш жойлар тадбиркорларга ўқувчиларни касб-хунарга ўқитиш учун текин фойдаланишга берилади. Уларга солиқ ва бошқа бир қатор имтиёзлар тақдим этилади. Энг муҳими, ўқув курсини тамомлаб, имтиҳондан ўтган ўқувчиларга малака сертификати топширилади.

Ўтган йилги 380 минг мактаб битирувчисидан 180 минг таълимни коллеж, техникум ёки олийгоҳда давом эттирмакда. Қолган 200 минг нафари меҳнат бозорига кириб келмоқда. Демак шунча ўқувчига меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-хунарлар ўргатилса, улар ўз йўлини топиб кетади.

Афсуски, бугунги кунда аксарият юқори синф ўқувчилари керакисиз ва натижасиз дарсларга боришининг ўрнига бирор касб ва тилни ўрганиш ёки репетиторга боришни афзал билмоқда. Мактаб маъмурияти эса давомат, дея уларни дарсга мажбурламоқда.



Носир Ҳайдаров олган сурат.



**НАЗАРИМДА,** мажбурлов билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Ўқувчиларни қизиқтиришдан келиб чиқиб, соҳаларга йўналтириш керак. Касбга қизиқса касбга, тилга қизиқса тилга, олий таълим муассасасига ўқишга киришни истаса шунга мос шарт-шароитни мактабда ёки маҳалланинг ўзида яратиш зарур. Бу борада мактабларда устахоналар ва “Касбий таълим устаси”

лавозимининг жорий этилиши касб-хунарга қизиқувчи ўқувчилар учун айни муддао бўлади. Давлат раҳбари айтганидек, “Мақсадимиз – мактаб битирувчиси ҳеч бўлмаганда битта касбни эгаллаб катта ҳаётга қадам қўйсин”.

**ТАНГАНИНГ ИККИНЧИ ТОМОНИ,** яъни тарбияси ва ўқишида муаммо бўлган ўқувчилар билан “мактаб – ота-она – маҳалла” та-

моийли асосида уларнинг ота-оналари ва маҳалла фаоллари билан бирга ишлаб, муаммоларни ечишга қаратилган аниқ чораларни кўриш зарур. Бунда болалар масалалари бўйича миллий комиссияга масъул ҳокимлар ҳар ҳафта битта мактабга бориб, ўқувчиларнинг шароити ва тарбиясидан хабардор бўлиши керак. Мактаблардаги инспектор-психологларнинг ҳам ўзини кўрсатадиган вақти келди.

“СОЛИҚЧИ-КЎМАКЧИ”

## “Ойдин”да тадбиркорлар сони ортяшти

Шоҳжаҳон ТУРСУНОВ, Қарши шаҳридаги “Ойдин” маҳалласи солиқ инспектори

Бугунги кунда Қарши шаҳрида 64 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларнинг барчасига солиқ инспекторлари бириктирилган. Маълумки, маҳаллага бириктирилган солиқ инспекторлари зиммасига жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида ёрдам кўрсатиш, солиқ маъмуричилигини тушунтириш, бюджетга ҳисобланадиган солиқларни ўз муддатида жалб қилиш ҳамда солиқ базасини кенгайтириш вазифалари юклатилган.

Ўзим Қарши шаҳри марказида жойлашган “Ойдин” маҳалла фуқаролар йиғинига бириктирилганман. Бугунги кунда “Ойдин” маҳалла фуқаролар йиғинида 2 646 та хонадон бор. Уларда 10 874 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Айни вақтда маҳалладаги шароитни ўрганиб, мавжуд ташкилотлар, солиқ тўловчилар, улардан бюджетга тушадиган солиқлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдим. Жумладан, маҳаллада 19 та бюджет ташкилоти, 40 та юридик шахс, 51 нафар яққа тартибдаги тадбиркор, 191 нафар ўзини ўзи банд қилган фуқаро бор.

Давлат раҳбари 2023 йил октябрь ойида вилоятимизга ташири давомида маҳалламизга келиб, биз билан суҳбат қилди. Айниқса, “маҳалла еттилиги” билан



яқиндан танишиш ва фаолиятимиз ҳақида фикрларимизни тинглаган эди. Бизга маҳалла-

даги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қону-

нийлаштиришга ҳамда ўзини ўзи банд қилганларни кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш юзасидан ўзларининг тафсияларини берганди.

Давлат раҳбари берган маслаҳатлар асосида фаолиятини ташкил қилиб, белгиланган вазифаларни сикидидан бажаришга ҳаракат қилдим. Натижада маҳалладаги юридик шахслар сони 50 нафарга, яққа тартибдаги тадбиркорлар сони 56 нафарга, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони 239 нафарга ошди.

Албатта, бу ишимизнинг якуни эмас. Биз келгусида солиқ тўловчиларга яратилаётган имкониятларни кенг тушунтирган ҳолда, уларнинг фаолиятларини кенгайтиришга амалий ёрдам кўрсатиб, солиқ тушумларини оширишга ҳаракат қиламиз.

ТАДБИРКОР УЧУН

## business. gov.uz – тадбиркорга кўмакдош

Қиш. Кўча совуқ. Йўللари машиналар тирбанд. Шикоятингизни кўтариб ташқарига чиқишингиз шарт эмас.

Тадбиркор ўз мурожаатини иссиқ идорасида ўтирган ҳолда business.gov.uz – «Тадбиркор виртуал офиси» ахборот порталига ёзиши ёки «1100» ишонч телефон орқали оғзаки етказиши мумкин. Мазкур қисқа рақам ҳафтанинг 7 кунини 24 соат давомида тадбиркорлар хизматидадир.

Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг ҳудудий шўъбалари порталга киритилган мурожаатларни тегишли ваколатли органларга йўналтирилади. Ваколатли органлар портал орқали келиб тушган мурожаатларни ўрганиб, ҳал этиш чораларини кўради. Натижалар юзасидан тегишли маълумотлар ва қабул қилинган қарорлар эса порталга жойлаштирилади. Яъни жавобни олиш учун ҳам изғирин совуқда ташқарига чиқишга ҳожат қолмайди.

БИЛАСИЗМИ?

## Кичик корхоналарга имтиёзлар берилди



Президентнинг 2024 йил 9 январдаги “2024 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғрисида”ги қарорига кўра, 2024 йил 1 январдан 2025 йил 1 январга қадар микрофирма ва кичик корхоналар ташкил этган ҳар бир янги иш ўрни учун ойлик иш ҳақи бўйича тўланган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи (ЖШОДС)нинг 50 фоизи республика бюджетидан иш берувчига (ҳар бир ишчи учун БХМ)нинг 2 баробаридан (680 000 сўм) олмаган микдорда) қайтариб берилди.

Бундан ташқари, ушбу иш берувчиларга ижтимоий солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилган ҳолда қўлланади.

**Солиқ имтиёзларини қўллашнинг мажбурий шартлари:**

– “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларни ишга қабул қилиш;

– ушбу фуқароларга ҳар ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдори (МХТЭКМ)дан кам бўлмаган (1 050 000 сўм) иш ҳақи ҳисоблаш.

ИМКОН

## Мактаб курсангиз фойда солиғи бор

Президентнинг 2024 йил 31 январдаги “Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва ушбу жараёнга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш имкониятларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2030 йил 1 январга қадар юридик шахсларга ўз маблағлари ҳисобидан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари биноларини қуриш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг фойда солиғини ҳисоблашда 2 йил давомида тенг улушларда чегириб ташлаш ҳуқуқи берилди.

Бунда, нодавлат умумий ўрта таълим ташкилоти томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини бепул ўқишга қабул қилиш бўйича лицензия талаблари бажарилмаган тақдирда, чегириб қилинган фойда солиғи суммаси Давлат бюджетига қайтарилади.





Ўрмон фонди ерлари 11,9 МИЛЛИОН ГЕКТАРНИ, яъни республика умумий ер майдонининг 26,4 фоизини ташкил этади.



“Кизил китоб”га киритилган КАМЁБ ЎСИМЛИКЛАРДАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ишларида фойдаланиш мумкинлиги белгиланмоқда.



“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМЎРМАСИ Президент Администрацияси хузурига ўтказилади.

МАНЗАРА

Маҳалламизда айни пайтда 526 та хонадон бор. 743 та оилада 3 203 нафар аҳоли истиқомат қилади. 14 гектардан зиёд майдонни эгаллаган маҳалладаги хонадонларнинг 80 фоизи ўз томорқасида иссиқхона ташкил этган. Одамлар йил бўйи томорқада кўк пияз ва турли кўклатлар етиштиришни йўлга қўйган. Шу асосда “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили бўйича оилавий тадбиркорлик ривожлантириляпти.

Айтиш керакки, вилоятнинг бошқа ҳудудларига қараганда аҳоли жуда зич жойлашган маҳаллада ўтган йиллар давомида кўплаб ижтимоий масалалар йиғилиб қолганди. Худуд инфратузилмасининг экиргани, йўллар носозлиги, электр таъминотидаги муаммолар фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганди. “Кизил” тоифага киритилган энг чекка худуд сифатида йиғинда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш бўйича кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бошланди. Бу жараёнда ишчи гуруҳлари ҳар бир хонадонга кириб борапти, оилаларнинг ҳақиқий аҳволини кўздан кечириб, қилиниши керак бўлган ишларни белгилаб оляпти.

Маҳаллада аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётган масалалардан бири, бу – электр таъминоти жиҳозларининг эскиргани эди. Ҳар йили куз-киш мавсумида узлишлар қузатилади. Бу муаммоларнинг олдини олиш мақсадида мавжуд 5 та кўчада эски симёғочлар ўрнига 110 та темир-бетон устун ўрнатилади, 8 та трансформатор таъмирланиб, битта янгиси олиб келинади. Қолаверса, 4,5 километр масофада электр тармоқларини янгилаш, 150 донга тунги ёриткич чиққоқларини ўрнатиш режалаштирилган.

Маҳалла тўлиқ ичимлик сув билан таъминланган бўлиб, ҳозирда 3 километр масофада оқова сув қувурлари тортиляпти. Худуддаги ички кўчаларнинг умумий узунлиги 8,3 километрни ташкил этиб, шунинг 6,4 километри таъмирталаб ҳолатда эди. Бу кўчаларга тўлиқ асфальт ётқиши белгиланган. Ҳозиргача 2,5 километр ички кўчалар шағаллаштирилди. Шу билан бирга, 2,8 километр табиий газ қувурлари кўздан кечирилиб, 1,7 километр масофада ариқ-зовурлар тозаланди. Маҳалла идораси давлат-хусусий шериклик асосида қад ростлаяпти. Мухташам иншоотда “маҳалла еттилиги” учун зарур шароитлар яратилади. Бинога туташ майдонда сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилади.

Хатлов жараёнларида аниқланган оғир турмуш шароитидаги 2 та хонадонда қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари бошланди. Шунингдек, 20 нафар фуқаро ижтимоий дафтарларга киритилиб, 12 нафар ишсиз шахс аниқланди. Сектор раҳбарлари билан мулоқотда юқоридаги ишларга қўшимча равишда болалар ўйингоҳи, мини-стадион, кутубхона қуриш, аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида тўқимачилик фабрикасини ишга тушириш белгилаб олинди. Бундай ўзгаришлар аҳоли турмуш шароитини яхшилаб, уларнинг ҳаётга бўлган қизиқишини оширади, ислохотларга



# Иссиқхона учун субсидияни ким беради?

Президент фармони билан томорқа ер эгаларига энгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — БҲМнинг 30 бараваригача микдорда субсидия ажратиш маҳалланинг ўзида ҳал этилади

Маҳмуджон ЖОМИРЗАЕВ, Янгийўл туманидаги “Ниёзбош” маҳалласи раиси.

дахлдорлик туйғуси билан яшашига хизмат қилади. Шу ўринда тизимга оид айрим фикрларимни баён этсам. “Иссиқхоначилар маҳалласи” миз, айни соҳани ривожлантириш учун моддий қўллаб-қувватловга эҳтиёж бор. Эндиликда “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарорлари асосида буни амалга ошириш мумкин. Гап шундаки, Президент фармони билан

томорқа ер эгаларига энгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — БҲМнинг 30 бараваригача, сўғориш воситалари харид қилиш учун — БҲМнинг 10 бараваригача, уруғлик ва кўчат сотиб олиш учун — БҲМнинг 3 бараваригача микдорда субсидия ажратиш маҳалланинг ўзида ҳал этилади.

Бу ўринда яна бир муҳим жиҳат белгиланди: яъни эндиликда энгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва сўғориш воситалари харид қилиш учун субсидия ажратишда субсидия

““ Мулоқотда болалар ўйингоҳи, мини-стадион, кутубхона қуриш, аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида тўқимачилик фабрикасини ишга тушириш белгилаб олинди.

олувчи томорқа ер эгаси бўлиши лозимлиги ҳақидаги талаб бекор қилинади. Мисол учун, шу вақтгача томорқаси бўлса-да, ундан самарали фойдалана олмаётган, кредит ололмаётганлар бор эди. Боиси ер майдони оила ишлайди, субсидия мезонларига тўри келмайди. Бироқ аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида иссиқхона учун айнан уларга субсидия ажратиш тартиби жорий этилгани оилаларга қўшимча даромад келтиради, хотин-қизлар бандлигини оширади.

БИЛАСИЗМИ?

## Хорижга чиқиш учун ота-она розилиги керак

Боланинг ёшидан қаъти назар, ҳар иккисининг розилиги талаб этилади. Доимий яшаш учун чиқишда ота-онанинг бирининг розилиги бўлмаслиги ёки болани олиб чиқишга қўйилган тақдирда ички ишлар органлари томонидан биометрик паспортни расмийлаштириш ёки давлат чегарасини кесиб ўтишни рад этишга сабаб бўлиши мумкин. Болани олиб чиқишга тақдир устидан суд тартибиде шикоят қилиниши мумкин.

Биринчи навбатда, бошқа мамлакатга доимий яшаш учун чиқишда ота-онанинг ҳар иккисининг розилиги талаб этилади. Доимий яшаш учун чиқишда ота-онанинг бирининг розилиги бўлмаслиги ёки болани олиб чиқишга қўйилган тақдирда ички ишлар органлари томонидан биометрик паспортни расмийлаштириш ёки давлат чегарасини кесиб ўтишни рад этишга сабаб бўлиши мумкин. Болани олиб чиқишга тақдир устидан суд тартибиде шикоят қилиниши мумкин.

Биометрик паспортни олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- белгиланган шаклдаги ариза-анкета;
- биометрик паспорт ёки ID-карта ёхуд 16 ёшга тўлмаган фуқаролар учун туғилганлик ҳақида гувоҳнома;
- илгари берилган хорижга чиқиш биометрик паспорти (мавжуд бўлган тақдирда);
- ваколатли органнинг қарори (хорижга чиқиш биометрик паспорти ашёвий далил сифатида олиб қўйилганда);
- ҳарбий гувоҳноманинг ёки қақирув участкасида қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси ёхуд мудоффа ишлари бўлимининг белгиланган намунадаги маълумотномаси – ҳарбий хизматга мажбурлар учун;
- давлат бож тўланганлиги тўғрисидаги квитанция;
- ота-оналар, васийлар (ҳомийлар)нинг фуқаронинг хорижга чиқишига нотариал тасдиқланган розилиги – вояга етмаганлар учун;
- фуқарога ҳамроҳлик қилувчи шахснинг нотариал тасдиқланган мажбурияти – вояга етмаганлар учун.

Қўшимча тавсиялар:

- хорижга сафар қилишда фуқароларга борадиган давлатнинг дипломатик ёки консуллик муассасасининг веб-сайтида давлат қондаларини ўрганиш;
- бундан ташқари, чет элга боришдан олдин, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг манзиллари ва телефон рақамлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни қўриши лозим бўлган давлатда ҳам тавсия этилади.

**ОГОҲ БЎЛИНГ!**

**ЯШИРИН ЦЕХ ОЧГАН ТИББИЁТ ХОДИМИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ**

Давлат хавфсизлик хизмати Наманган вилоятида қалбаки дори воситаларини тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланган, яширин цех очган тиббиёт ходимини қўлга олди.

Тезкор тадбирда Чортоқ туман тиббиёт бирлашмасининг тез ёрдам бўлими фельдшер 1000 донга қалбаки “Зодак” дори воситасини Андижон вилоятига сотиш мақсадида олиб кетмоқчи бўлган вақтида қўлга олинди. У “Зодак”, “Анаферон”, “Хилак Форте” ва

“Витамин В6” номли қалбаки дори воситаларини тайёрлаб, сотиш билан шуғулланган. Шунингдек, унинг яшаш хонадониде дори воситалари

ишлаб чиқариш учун мўлжалланган яширин цех борлиги аниқланди.

Мазкур шахс тайёрланган дори воситаларини сақлаш учун қариндошининг яшаш хонадонидан оғиб сифатида фойдаланган. Бу манзилдан ҳам сотиш учун тайёрланган флаконларда сироп ҳолдаги дори воситалари олинди.

Яширин цех шароитида тайёрланган дори воситалари асосан Андижон, Фарғона ва Тошкент шаҳарларидаги дори хонадонларда сотувга чиқарилган.

**1000 донга қалбаки дори воситаси аниқланган.**

**ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ**

## Хушёрликни ҳар ким, ҳар куни йўқотмаслик керак

ОТА-ОНАНИНГ ФАРЗАНД ОЛДИДАГИ ЁКИ АКЦИНЧА, ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ОТА-ОНА ОЛДИДАГИ БУРЧИ БЎЛГАН КАБИ, БИЗ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ҲАМ ЭЛИМИЗ ОЛДИДА БУРЧИМИЗ БОР. БУ – ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, МАҲАЛЛАМИЗНИ ЖИНОЯТЧИЛИКДАН ХОЛИ ХУДУДГА АЙЛАНТИРИШДИР.

Буни чуқур ҳис қилган ҳолда “маҳалла еттилиги” билан ҳамжиҳатликда иш олиб бораёмиз. Хонадонма-хонадон юриб, одамларнинг мушуқлини осон, муаммоларини ҳал этишга яқин кўмакчи бўляёмиз. Мустақкам ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Худудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга эришиляпти.

2022 йил маҳаллада еттига жиноят қайд этилган бўлса, 2023 йил учта ҳуқуқбузарлик рўйхатга олинди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бирорта жиноят содир этилмади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳоли гавжум жойларга

ўрнатилган 12 та кузатув камералари яхши самара берапти. Битта хонадонда содир бўлган ўғрилик айнан камера кузатуви ёрдамида аниқланди. Аёлларга химоя ордери

берилиши яхши натижа берапти. Ўтган йили таъйин ва зўравонликдан жабр кўрган икки нафар аёлга химоя ордери берилган, эр-хотинлар тинч яшай бошлади. Аёллардан бири, “химоя

ордерини эртачирик олганимда, беш йиллаб жабр кўриб юрмаган бўлардим”, дейди. Ичкиликка ружу қўйган бир фуқаромиз узок йиллардан буён уйидаги бор нарсани сотиб, спиртли ичимликка сарфлаб қолган. Охири вилоят

наркология диспансерига юбордик. Бугун оиласи тинч, ўзи ҳам яхши томонга ўзгарапти. Бугун хушёрликни нафақат профилактика инспектори, балки ҳар ким, ҳар куни йўқотмаслиги керак. Ўн йилдирки, шу соҳада ишлаб, тизимга доир билим ва тажриба ошириб келяман. Хизмат мобайнида устозларнинг маслаҳатлари туфайли касбий кўникмаларни янада бойитдик. Шу боис ўзим хизмат олиб бораётган худудда ким қандай машғулот билан шуғулланади, маҳаллага кимлар келиб, кимлар кетаяпти, ким қаерда сафарда юрибди, қўйинги,

барча жараённи назорат қилишга вақт, имкон топаман. Элга хизмат қилиш – олий ҳимматлик белгиси. Шу боис юрт раънаки, маҳалла осойишталиги, аҳолининг осуда турмуш тарзини таъминлаш йўлида ҳеч қачон чарчамаймиз.

**Наврўз МИРЗАЕВ,**  
Пастдарғом туманидаги “Хончорбоғ” маҳалласи профилактика инспектори.





Пойтахт атрофидаги чекка ҳудудларни метро билан боғлаш учун ЭКСПРЕСС АВТОБУСЛАР қўйилади.



Тошкент вилоятида Хитой тажрибаси бўйича ПАХТАЧИЛИК КЛАСТЕРИ ташкил этилади.



2023 йилда 63,1 фоиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ етиштирган.

ҲОЛАТ

# Болалар меҳр-муҳаббатга қониб улғайса...



Сирожиддин ШАРОПОВ, Каттакўрғон шаҳридаги "Амир темир" ва "Ватанпарвар" маҳаллалари ижтимоий ходими.

Оғир хасталикдан кейин ногирон бўлиб қолган бу кишининг ёнида ҳамхўрлик қиладиган яқини йўқ. Оиласи бир неча йиллар аввал арзимас сабаблар билан пароканда бўлган. Ота меҳридан мосуво улғайган ўғил ва қиз зиммасидаги фарзандлик бурчини адо этишни хошламаяпти. Олиб борилган ўрганишларимиз натижаси ўлароқ, фуқарога етти кун давомида уч соатдан уй юмушларида ёрдамлашиб туриш учун махсус ижтимоий ходим ассистенти бириктирилди.

2023 йил ноябрь ойида ишни хатлов асосида аҳоли билан танишишдан бошладик. 12 тоифадаги фуқароларга 49 турдаги хизматлар кўрсатиш назарда тутилган бўлса, биз шу кунга қадар талаб ва

эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда 26 турдаги хизматларни кўрсатдик. Юқоридаги каби ўзгалар парваришига муҳтож бўлган якка-ёлғиз, ёлғиз яшовчи ҳамда ногиронлиги бўлган яна 5 нафар шахсларга ёрдамчилар бириктирдик.

Ногиронлиги бўлган икки кишига реабилитация техник мосламалари олиб берилди. Нафақа ёшидаги фуқаро ҳаракатланишида қийинчиликлар бўлгани учун ҳассатаёқ, яна бир бемор юришида ёрдам берадиган мосламага эга бўлди.

Иккита кам таъминланган оиланинг болалар нафақаси олиши учун топширган ҳужжатларидаги камчиликлар бартараф этилди.

Бундан ташқари, тўрт мартадан кўп болалар нафақасига ариза топширган оилалар ҳолати ўрганилди. Натижада хонадон бошлиқларининг доимий иш ўрнига эга эмаслиги аниқланди. Уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда 7 кишига бўш иш ўринлари таклиф қилинган бўлса, 3 киши пайвандчи, мебелсоз ва сантехника йўналишларида касб-хўнарга ўқитилди.

Бир оилада эр-хотин хорижга кетаётгани сабабли 2 нафар вояга етмаган фарзандга тоғасини васий этиб тайинладик. Болаларнинг моддий таъминотини ота-онаси ўз зиммасига олди. Таълим-тарбияси билан вақтинчалик тоғаси шуғулланганидан бўлди.



Баъзан ота-она меҳрини кўрмай ўсаётган болалар кўзидаги мунг ва тушқунликни кўриб бағрим эзилади. Уларнинг қалбида мен ҳеч кимга керак эмасман, деган туйғу пайдо бўлади.

Яна бир ҳолатда беш йил аввал турмуш ўртоғи билан ажрашган аёл 18 ва 14 ёшли фарзандларини ташлаб, катта ўғлини олиб, хорижга ишлашга кетган. Ноилождикдан

акасини укасига расмий васий этиб тайинладик. Шу билан муаммо ҳал бўлса қанийди. Уларнинг тарбияси, таълим олиши, ош-овқати нима бўлади, деган саволлар бор. Ҳозирча аммаси иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турибди. Маҳалла ходимлари билан бу каби оилаларни доимий назорат қилиб борамиз. Аиниқса, васийлик ва ҳомийликка берилган болалар билан тез-тез суҳбатлашиб, кайфиятини ўрганамиз. Унга қилинаётган муносабатдан розими, шароити қандай, барчаси кузатувишимиз остида.

Баъзан ота-она меҳрини кўрмай ўсаётган болалар кўзидаги мунг ва тушқунликни кўриб бағрим эзи-

лади. Уларнинг қалбида мен ҳеч кимга керак эмасман, деган туйғу пайдо бўлади. Шундай вазиятларда мактаб ва "Инсон" ижтимоий хизматлар марказининг психологлари бизга катта ёрдам беради. Болаларни ҳар жиҳатдан руҳлантиришга, келажакка умид уйғотишга ҳаракат қилади.

Қанийди, ҳар бир ота-она фарзанди олдидаги бурч ва масъулиятини тўла ҳис қилса. Ахир ҳаёт фақат қорин тўқлаш ва устни бутлашдан иборат эмас-ку. Бугун яқинларининг муҳаббатини туймай ўсаётган бола эртага сўзимиз бошида келтирилган ҳолатни такрорламаслигига ким қафолат беради.

Билиб қўйинг!

## Ижтимоий шартнома ким билан тузилади?

"Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича "йўл харитаси"га асосан:

- «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» орқали ёрдам берилган шахслар билан ижтимоий шартнома тузиш амалиёти жорий қилинади;
- «Темир дафтар»ни юришти ҳамда унга ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини баҳолаган ҳолда киритиш ва чиқариш тартиби, «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби такомиллаштирилади;
- Маҳалланинг ягона платформаси жорий этилиб, платформага маҳалла аҳолиси саломатлиги кўрсаткичларини, оилавий шифокор ва ҳамширалар томонидан жойларда кўрсатилаётган патронаж хизматлари маълумотлари киритилади;
- платформа «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» платформалари, Персоналлаштириш агентлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Кадастр агентлиги, Солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, таълим вазирликлари базалари билан интеграция қилинади.

КўМАК

## Ижтимоий кўмак катта мадад бўляпти

Бунинг учун барча имкониятдан фойдаланиш керак

Толибжон ЭРАЛИЕВ, Наманган шаҳридаги "Оби ҳаёт" маҳалласи раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Наманган шаҳар «Инсон» ижтимоий хизмат маркази раҳбарияти ҳамда Наманган шаҳар "Оби ҳаёт" маҳалласи ходимлари ҳамкорлигида эҳтиёжманд фуқароларга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, маҳалламизда яшовчи Эътибор Йўлдошевнинг болалигидан ногирон якка тартибда таълим олувчи имконияти чекланган фарзанди Ҳаётхон Адхамова ногиронлик аравачасига муҳтожлигини билдирган эди. Бу қизнинг илм олишига ва ўрганишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида унга махсус аравача ҳамда ўқув куроллари топширилди.

Нуронийлар ҳаёт тажрибаси ёшлар учун хамиша ибрат мактаби. Аиниқса, уларнинг қимматли панд-насихатлари, умр сабоқлари келажакимиз эгаларининг ватанпарварлик руҳида тарбияла-



Нуронийлар ҳаёт тажрибаси ёшлар учун хамиша ибрат мактаби.

нишида катта аҳамият касб этади. Шу маънода маҳалламиз ҳудудда жойлашган 1-сонли умумтаълим мактабида «Уч авлод» учрашувлари тез-тез ташкиллаштириб турилади.

Яқинда бўлиб ўтган тадбирда вилоят ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда маҳалламиз нуронийлари ўқувчи-ёшлар билан мириқиб суҳбатлашди. Кўп йиллик ҳаёт тажрибасига эга отахон ва онахонлар меҳр-оқибат, ватанпарварлик, инсонийлик фазилатлари борасида маърузалар қилиб, эртанги эгаларига тавсиялар беришди.

Худудимизда яшовчи ижти-

моий хизматга муҳтож Фозилжон Тожиахмедовнинг кўзида хасталиги борлиги, ҳозирги кунда даволашига имконияти йўқлиги учун маҳалламиздаги "Doktor vision" хусусий кўз клиникасига йўланма (сертификат) бердик. Жарроҳлик амалиёти беморга индивидуал тарзда танланиб, касаллик даражаси ва ҳолатига кўра ўтказилди. Ҳозир соғлиги анча яхши.

Ҳар бир эзгу иш замирида юртимизда турли соҳалар ривожини учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар ётибди. Бизнинг вазифамиз улардан тўғри фойдаланган ҳолда халқимизнинг мушуқлини осон қилишдан иборат.

## «КАПИТАЛ PLUS МИКРОМОЛИВА ТАШКИЛОТИ» МЧЖНИНГ БАЛАНС ҲИСОБОТИ 2023 ЙИЛ «31» ДЕКАБР ҲОЛАТИГА

КОД	КЎРСАТКИЧЛАР	минг сўмда
<b>АКТИВЛАР</b>		
10	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	17 611
20	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	67 027
30	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	134 556
40	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - факторинг, брутто	0
41	Минус: факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
42	Факторинг, соф (40 код - 41 код)	0
50	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмом), брутто	4 500 275
51	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	12 203
52	Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	4 488 072
80	Асосий воситалар, соф	137 026
90	Номоддий активлар, соф	0
110	Бошқа активлар	47 926
120	<b>Жами активлар (10+20+30+42+52+62+72+80+90+102+110)</b>	<b>4 892 217</b>
<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>		
210	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	971 250
240	Тўланиши лозим бўлган фоизлар	13 230
250	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	12 201
260	Муддати узайтирилган даромадлар	118
270	Бошқа мажбуриятлар	18 623
280	<b>Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)</b>	<b>1 015 423</b>
<b>КАПИТАЛ</b>		
310	Устав капитали	2 015 000
311	а. Акциялар - оддий	0
312	б. Акциялар - имтиёзли	0
320	Қўшилган капитал	0
330	Захира капитали	327 159
331	а. Умумий захира фонди	325 631
332	б. Бошқа захира ва фондлар	1 529
340	Тақсимланмаган фойда	1 285 291
350	Жорий йил фойдаси (зарар)	249 343
360	<b>Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350)</b>	<b>3 876 794</b>
370	<b>Жами мажбуриятлар ва капитал (280 + 360)</b>	<b>4 892 217</b>

Изоҳ: ушбу ҳисобот «TRANS-AUDIT-A» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 24.02.2024 йилдаги ижобий хулосаси билан тасдиқланган.

ЯНГИЛИК

## “Энг фаол ижтимоий ходим” танлови ўтказилади

Ҳукумат қарори билан “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми қабул қилинди. Низомига кўра, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги ижтимоий ходимлар, ижтимоий ходим ассистентлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлардаги хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори бўйича ижтимоий ходимлар ўртасида “Энг фаол ижтимоий ходим” кўрик-танлови ташкил этилади.

Ҳар йили 1 апрелгача кўрик-танлов ўтказилиши ҳақида эълон берилади ва номзодлар 1 апрелдан 30 апрелгача агентлик веб-сайти орқали рўйхатдан ўтади.

Кўрик танловнинг ҳудудий саралаш босқичи май ойида, республика финал босқичи июнь ойида бўлиб ўтади.

Танлов кўйидаги синовлар асосида ўтказилади:

- иштирокчиларнинг билим даражасини аниқлашга қаратилган ижтимоий иш соҳасидаги онлайн тест синовлари;
- иштирокчиларнинг IQ (интеллектуал коэффициент) ва индивидуал психологик хусусиятлари даражасини аниқлашга қаратилган синовлар;
- иштирокчилар билан якка тартибдаги суҳбат.

Танлов ғолиб ва совриндорлари ҳар йили июль ойининг биринчи ҳафтасида кўйидагича тақдирланади:

Худудий саралаш босқичида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг куйидагича миқдоридан бириқла тўланадиган пул мукофоти:

- 1-ўрин – 5 баравари (5 млн. 250 минг сўм);
- 2-ўрин – 3 баравари (3 млн. 150 минг сўм);
- 3-ўрин – 2 баравари (2 млн. 100 минг сўм).

Республика финал босқичида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг куйидагича миқдоридан бириқла тўланадиган пул мукофоти:

- 1-ўрин – 20 баравари (21 млн. сўм);
- 2-ўрин – 15 баравари (15 млн. 750 минг сўм);
- 3-ўрин – 10 баравари (10 млн. 500 минг сўм).





Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси вакили ДЕНИС ИСТОМИН профессионал фаолиятини якунлади.



“СЕКТОР – ТУМАН – ВИЛОЯТ – РЕСПУБЛИКА” даражаларида оммавий спорт мусобақалари ўтказилади.



Ўзбекистон терма жамоаси футболчиси ЖАЛОЛИДДИН МАШАРИПОВ Эроннинг «Истиклол» клубига ўтди.



МУЛОҲАЗА

Тизимли режа ва дастурлар асосида тарбиялаш, ёшлар тарбиясига маҳалла нурунийларини жалб этиш ҳамда оилаларда соғлом муҳитни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш давр талабига айланди.

Биласизми?

Аёллар маҳаллада иш юритувчи бўлиб ишлаши мумкин



2023 йил 25 декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, 2024 йил 1 январдан бошлаб, хотин-қизларнинг ҳақ тўланадиган жамоат ишлари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида иш юритувчи бўлиб ишлашига ўн бир ойгача муддатга рухсат этилади.

Ташкилот томонидан иш ўринлари захирга қўйилмайдиган ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар тоифаларига оилавий (маиший) зўравонлик натижасида жабрланганлар ҳам киритилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун қурилиш материаллари энг яхши тақлифларни танлаш орқали харид қилинади.

2024 йил 1 февралдан бошлаб касаначилик ва хунармандчилик йўналишида янги иш бошлаётган хотин-қизлар учун тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ривожлантириш, такомиллаштириш ҳамда уларга услубий ёрдам бериш мақсадида таълим ташкилотларида тажрибали касаначи ва хунармандларни жалб этган ҳолда касб-хунарга ўқитиш курслари ташкил этилади. Таълим ташкилотларида касб-хунарга ўқитилган ҳар бир битирувчи хотин-қиз учун сарфланган ўқитиш харажатларининг 70 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробаридан ошмаган қисми давлат томонидан қоплаб берилади.

Оилавий ажралишлар сони нега ортяпти?

2023 йилда республикамизда 49 198 та ажралиш қайд этилган

Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА, “Mahalla” муҳбири.

Яқинда бир қариндошимизнинг қизи қайнопасининг тазйиқ ва зўравонликларига чидалмай, ота уйига қайтиб келди. Қўйнида икки боласи, хўнг-хўнг йиғлайди. Бир томондан ота-онасининг бошини эгиб кўйганидан хижолат, яна бошқа тарафдан гулдек оиласи барбод бўляпти. Фарзандларининг тақдири энди қандай кечади?..

Бу оғрикли ва хавотирли ўйлар хондонни нотинч бўлган ҳар бир аёлнинг қалбини тилкалаши аниқ. Чиндан-да, инсонни чуқур мулоҳазага чорлайдиган ҳолат. Муаммолар эр-хотиннинг айро яшаши билан тугаса қанийди. Афсуски, ундай эмас. Саволлар занжири шунчалар узунки, баъзан маҳалла-қўй, қариндош-уруғлар бир бўлиб ечим тополмай қолишапти.

– 2023 йилда республикамизда 49 198 та ажралиш қайд этилган, – дейди Ойла ва хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Нилуфар Юнусова. – 2022 йилда бу кўрсаткич 48 733 тани ташкил этган эди. Бир йилда ажралишлар сони 465 тага

кўпайган. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Самарқанд ва Сурдарё вилоятларида ижобий томонга ўзгариш кузатиш бўлса, Тошкент шаҳри, Хоразм, Фарғона, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида рақамлар аввалги йилгидан ошган.

Сабаблар таҳлил қилинганда, никоҳланувчиларнинг оилага тайёр эмаслиги – 15 фоиз, учинчи шахс аралашуви – 15 фоиз, узоқ вақт бир оила бўлиб яшамаслик – 12 фоиз, фарзандсизлик – 11 фоиз, молиявий ва моддий қийинчилик – 5 фоиз, хиёнат – 2 фоиз, спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддалар истеъмоли – 2 фоиз, оммавий ва хорижий маданиятнинг салбий таъсири – 2 фоиз, тазйиқ ва зўравонлик – 1,7 фоизни ташкил этганини кўришимиз мумкин.

Ойиб борилган ўрганишлар натижаси ажралиш кўрсаткичлари фақат бир йил давомида эмас, балки узоқ вақтдан буюн давом этиб келаётган ҳолатлар билан боғлиқ эканини кўрсатмоқда.

Мутахассиснинг таъкидлашича, 2023 йилда ажралишлар ҳисобига 37 132 нафар бола ота ёки онасиз қолган. Бу кичик рақамлар эмас, албатта. Юрт келажагини белгиловчи шунча ёш авлоднинг тақдири

Оиласи бузилган аёлнинг эридан алимент ололмай қийналиши, баъзан уй-жойсиз болалари билан қўчада қолиб кетиш ҳолатлари ҳам оз эмас. Оталарнинг фарзанди олдидаги масъулиятни ҳис қилмаслиги вазиятни янада чигаллаштирмоқда.

нима бўлади? Уларнинг кўнглидаги изтиробларга ким малҳам бўла олади? Узининг тинч ва галвасиз ҳаётини ўйлаётган ота-оналарни наҳот бу ташишга солмаса? Саволлар қатори узундан-узун. Жавобга келганда ҳамма жим.

Қолаверса, оиласи бузилган аёлнинг эридан алимент ололмай қийналиши, баъзан уй-жойсиз болалари билан қўчада қолиб кетиш ҳолатлари ҳам оз эмас. Оталарнинг фарзанди олдидаги масъулиятни ҳис қилмаслиги вазиятни янада чигаллаштирмоқда.

Халқимиз қизларни ёшлигидан уй-рўзгор ишларига ўргатади, оила олдидаги масъулият ҳисси билан улғайтиради. Лекин

ийгитлар тарбиясида биров оксашлар кузатиляпти. Бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кенгайтириш зарур. Шу аснода тарбияда оталарнинг иштироки камайиб бораётганини таъкидлаб ўтмоқчи эдик. Агар оилада эркак кишининг ўз ўрни ва айтадиган гапи бўлса, фарзандларда бу ўз ақсини топади.

Бугун оилавий ажралишларнинг олдини олиш, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун маҳалла фаоллари, турли давлат ташкилотлари тинимсиз илғор тажрибаларни амалда қўллашга ҳаракат қиляпти. Сабаблар чуқур таҳлил қилиниб, зарур чора кўрганларда ижобий ўзгаришлар кузатишган. Шунга кўра, 2023 йилда 24 149 та низоли оилалар яраштирилди.

Ижобий натижалар ўзимизники, олдида оилавий ажралишларни бартараф этиш вазифаси турибди. Бунда асосий масъулият яна маҳалла ходимларининг зиммасига тушиши аниқ. Айниқса, тизимли режа ва дастурлар асосида ишлаш, ёшлар тарбиясига маҳалла нурунийларини жалб этиш ҳамда оилаларда соғлом муҳитни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш давр талабига айланди.

Мушоҳада

“Ҳар бир хонадон билан алоҳида ишласак...”

Жамиятни ўйлангирган муаммолар барҳам тонади

Розия ЙИГИТАЛИЕВА, Риштон туманидаги “Амиробод” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида уларни яна бир қарра кашф этдим. Аввал эътибор бермаган эканман, агар аёл истаса, қўлидан жуда кўп иш келар экан. Уй-рўзгор юмушлари, фарзанд тарбияси, қайнона-қайнотанинг хизматидан ортиб, қўшимча даромад топаётганларни кўрсам, ҳавасим келади.

Маҳалламизда 100 нафардан кўпроқ аёллар кулоллар ясаган турли буюмларга туширилган нақшлар кирғоғини чизиб, кунига 70 мингдан 100 минггача пул топяпти. Иш жуда қизиқарли, кишини зериктирмайди. Қолаверса, оиласи бағрида, болаларидан кўнгли тўқ.

Шу таразда томорқачилар етиштирган кўкатларни боғлаш билан 100 мингдан 150 минггача даромад қилаётганлар анчагина. Энг муҳими, улар ҳаракат қиляпти. Узининг майда харажатлари учун пул ишлаб топяпти. Онасининг меҳнат қилаётганини кўрган фарзандлар биров қўл қоқишади, бўш вақтини самарали ўтказишади.



Ўзим янги иш бошлайман, кичик бўлса-да тадбиркорлик қиламан, деган 5 нафар аёл маҳалла тавсияси билан 5 миллион сўмдан кредит олиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозир ҳар бирининг ёнида 2-3 нафардан шогирдлари бор.

“Аёллар дафтари”га киритилган 12 нафар хотин-қиз субсидия асосида тикув машиналарига эга бўлишди. Ҳаммасининг бу йўналишда уқуви бор, касбга ўқиб, сертификат олишган. Бирим чиройли кийимлар тикишяпти, кўриб кўзингиз қувнайди.

Маҳалламизда спортчи қизларимиз талайгина. Жумагул Парпиева белбоғли кураш бўйича кўплаб чемпионатлар ғолиби. Ҳозир шу йўналишда ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Сабоҳат

Самиева энгил атлетикадан қатор мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритган. Хурматой Ҳомидова камондан ўқ отишда вилоятда биринчи. Бундай интилувчан ва тиришқоқ ёшларимиз билан доим фахрланамиз.

Айни вақтда бизни уйга толдираётган масала оилавий низолар ва ажралишлар бўлиб турибди. 2023 йилда маҳалламизда 4 та ажралиш ҳолати қайд этилди. Битта фарзандсизликни ҳисобга олганда, қолганлари узоқ йиллардан буюн бирга яшамаслик эр-хотинлар. Фақатгина расман никоҳи бекор қилинмаган экан. Шундай бўлишига қарамай, ўзаро келиша олмаётган хонадонлар тез-тез учраб турибди. Кўпчилигида қайнона ва келин бир-бирини тушунмайди. Айниқса, кўшнни маҳаллалардан келин бўлиб тушган оилаларда бу ҳолат кўпроқ кузатиляпти. Эҳтимол, турмуш шароитидаги тафовутлар бунга сабаб бўлаётгандир.

Яқинда бир низоли оила билан ишладик. Кўёв пул топиш мақсадида чет элга кетган. Келин қайнота-қайнона билан мурося қилолмай, ота уйдада ўтирибди. Қанча ҳаракат қилмайлик, уларни муросяга келтириб бўлмади.

Шундан кейин йигитга кўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирдик. У оиласи бузилишини истамаганидан уйига қайтиб келди. Энди тинч-тотув яшаяпти. Томорқасига иссиқхона қуриб, эр-хотин бирга меҳнат қиляпти.

Хонадонлар тинч, оилалар тотув ҳаёт кечирishi учун маҳалламизнинг 13 та кўчасида алоҳида-алоҳида “Биз ажралишга қаршимиз” мавзусида давра суҳбатлари ташкиллаштириши режа қилиб турибмиз. Бундай ғояларни амалга оширишда бизга “Оқила аёллар” гуруҳи раҳбари, “Шухра” медали соҳибаси Умринисо Абдувоҳидова яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Узоқ йиллар давомида таълим соҳасида фаолият юритгани учун уларнинг тажрибаси анча қўл келмоқда. Шу каби фаол аёлларимиз кўмаги билан 5 та оилани яраштиришга эришдик.

Йилдан-йилга маҳалла тизими қаратилаётган эътибор ва берилган имкониятлар қўламини ортиб бормоқда. Бундан тўғри фойдаланиб, ҳар бир хонадон билан алоҳида ишласак, муаммоларини ўз вақтида бартараф этсак, жамиятни ўйлангирган масалалар ўз-ўзидан барҳам тонади.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси  
Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «Mahalla» nashriyot-matbaa uyii» МЧЖ  
Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
ISSN 2000-2023

Ўлчами – 380x587, 4 б.т. 4 350 нусхада чоп этилди. Буюртма №: F-220

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.